

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

КАРАБАЕВА МУНИРА УСМАНОВНА

**МЕТРОПОЛИТЕННИНГ АЙЛАНА КЕСИМЛИ ТОННЕЛЛАРИДА
ПОЕЗД ҲАРАКАТИДАН ҲОСИЛ БЎЛГАН ТЎЛҚИНЛАРНИНГ БИР
ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН ЭЛАСТИК МУҲИТДА ТАРҚАЛИШИ**

**05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприklar ва транспорт
тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Карабаева Мунира Усмановна

Метрополитеннинг айлана кесимли тоннелларида поезд ҳаракатидан ҳосил бўлган тўлқинларнинг бир жинсли бўлмаган эластик муҳитда тарқалиши..... 3

Карабаева Мунира Усмановна

Распространение волн, возникающих при движении поездов метрополитена в тоннелях кругового сечения в неоднородной упругой среде..... 21

Karabayeva Munira Usmanovna

Distribution of waves produced by train movement in circular tunnels of the metropolitan in a non-hygeous elastic environment..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

КАРАБАЕВА МУНИРА УСМАНОВНА

**МЕТРОПОЛИТЕННИНГ АЙЛАНА КЕСИМЛИ ТОННЕЛЛАРИДА
ПОЕЗД ҲАРАКАТИДАН ҲОСИЛ БЎЛГАН ТЎЛҚИНЛАРНИНГ БИР
ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН ЭЛАСТИК МУҲИТДА ТАРҚАЛИШИ**

**05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари.
Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T2006 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган муҳандислик – қурилиш институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nammqi_info@edu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юлдашев Шарафитдин Сайфитдинович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Джаббаров Саидбурхон Тулаганович техника фанлари доктори, профессор Тошхўжаев Алишер Улхўжаевич техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Фаргона политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги PhD.30.09.2019.T.90.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «5» 03 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160103, Наманган. Ислом Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (99869) 234-15-23, e-mail: www.nammqi_info@edu.uz.

Диссертация билан Наманган муҳандислик-қурилиш институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин/8782 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160103, Наманган. Ислом Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23.

Диссертация автореферати 2022 «17» 02 куни тарқатилди.
(2022 йил «18» 246 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Н.Ғ.Байбобоев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор
В.М.Турдалиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д., профессор
А.А.Ишанходжаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий шаҳарларни лойиҳалашда барча турдаги юк ташиш воситалари бўлган транспорт коммуникациялари: автомобиль, трамвай йўлларини, турли чуқурликда жойлашган метрополитен системаларини ва бошқа воситаларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги 10 йилда дунёда 37 та метрополитен станцияси ва линиялари қурилиши режалаштирилганлиги уларда поездлар ҳаракатидан ҳосил бўладиган тебранишларни грунт сатҳида тарқалишини ўрганишни тақозо этади. Транспорт воситаларининг тури ва қуввати шаҳарнинг рельефи ва географияси, ривожланиш тарихи, аҳоли сони, ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Ҳозирда юк ташиш воситаларининг оғирлик ва тезликлари ортиб бораётганлиги натижасида уларнинг ҳаракатидан ҳосил бўладиган вибрацияларни инсонлар, бино ва иншоотларга салбий таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда сўнгги йилларда унча чуқурликда бўлмаган метрополитен тоннелларини лойиҳалаш ҳамда фойдаланишга топшириш натижасида метрополитен поездлари ҳаракатидан ҳосил бўладиган вибрациялардан бино-иншоотлар ва аҳолини ҳимоя қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада дунёнинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Англия, Россия, Германия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатларда бино ва иншоотларни техноген таъсирлардан, биринчи навбатда транспорт воситаларидан ҳосил бўладиган вибрациялардан ҳимоялаш ва тебраниш даражасини камайтиришда самарали усулларни такомиллаштириш, инсонларга, бино ва иншоотларга таъсир қилувчи вибрация даражасини камайтириш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда метрополитен тоннелларида ҳосил бўладиган вибрациялардан ҳимоялаш ва тебраниш даражасини камайтириш имконини берадиган самарали усулларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга ошириб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йиллар учун Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан ер ости метрополитен поездлари ҳаракатланганда ҳосил бўладиган тебранишларни камайтириш бўйича самарали ечимларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 ноябрдаги ПҚ-2664-сон «Тошкент метрополитени Сергели йўналиши қурилиши» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори, 2016 йил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

21 октябрдаги ПҚ-2638-сон «Тошкент метрополитенини янада ривожлантириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғриси»ги қарори, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳамда аҳолининг сейсмик хавфсизлиги, қурилиш зилзилабардошлиги ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 71-сон «Фавқулодда ҳолатларини прогноз қилиш ва олдини олиш бўйича Давлат дастури» тўғрисидаги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика, иншоотлар сейсmodинамикаси ва информатика» ва XIV. «Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Транспорт ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган вибрацияларнинг ҳосил бўлиши, грунтда тарқалиши, бино ва иншоот конструкцияларида ҳосил бўладиган кўчишлар характерини амалий тадқиқотлар асосида ўрганиш бўйича хорижда В.И.Пожуев, В.А.Ильичев, Ю.А.Буланов, С.К.Лапин, В.С.Никифоровский, Е.И.Шемякин, М.А.Дашевский, Б.Г.Михайленко, А.И.Кистанов, В.Н.Туров, Г.И.Фролов, Н.В.Бычков, В.И. Пруссов, Ю.Н.Работнов, О.Я.Шехтер, И.Я.Дорман, В.С.Соловьев, С.Ю. Хазанов, В.А.Лиманов, И.Е.Трояновский, Ю.М.Ескин, С.В.Поляков, Г.Г.Коншин, М.Н.Голубцова, Д.Д.Баркан, В.С.Поляков, Н.Д.Красников (Россия), J.Lysmer, L.Kyhlemeyer (АҚШ), D.E.Beskos, R.Clayton, B.Engquist, J.E.Monsees, J.L.Merritt, W.A.Haupt, K.M. Lee (Япония), T.May, B.A.Bolt, R.D.Woods (Англия), S.Ahmad, T.M.Al-Hussaini (Хиндистон) каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида муаммонинг турли жиҳатлари ёритилган ва ижобий натижаларга эришилган. Темир йўл полотносида поезд ҳаракатидан ҳосил бўладиган тебранишларни тарқалишини грунт турларига боғлиқ ҳолда А.Ф.Колос, Д.В.Крюковский, В.В.Крылов (Россия) ва бошқа олимлар томонидан амалий тадқиқотлар ўтказилган.

Республикамизда турли хил манбалардан тебранишларни грунтда тарқалишини ўрганиш бўйича Т.Р.Рашидов, А.А.Ишанходжаев, Ғ.Х.Хожметов, К.С.Султанов, М.Мирсаидов, Т.Ш.Ширинкулов, Б.Мардонов, С.Т.Джаббаров, Я.Н.Муборақов, Ш.С.Юлдашев, М.Х.Миролимовлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бугунги кунда ушбу йўналишда олиб борилган кенг миқёсдаги тадқиқотларга қарамасдан, тебранишларни қатламли грунтларда тарқалиши, тебранишларни камайтиришда виброҳимоя тўсиқларнинг геометрик ўлчамларини аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва траншеянинг жойлаштириш усуллари ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик–қурилиш институти илмий ишлари режасининг Ф-4-23 «Эластиклик назариясининг динамик масаласи уч ўлчамли бўлак-бўлак жинслардан иборат бўлган узлуксиз ярим фазода ҳаракатланувчи юкдан ҳосил бўладиган тўлқинларнинг тарқалишини тадқиқ қилиш» (2012-2016 йй.) ҳамда Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг MRU-FA-58/2017 рақамли «Акустические барьеры для защиты от сейсмических воздействий: разработка концепции, математических моделей и численных алгоритмов» (2017-2019 йй.) мавзулардаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метрополитен поездлари ҳаракатидан ер сатҳида ҳосил бўладиган вибрацияларни камайтиришга қаратилган усулларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир жинсли бўлмаган муҳитда жойлашган айлана кесимли метрополитен тоннелларида ҳосил бўладиган вибрациянинг тарқалиш даражасига грунтнинг механик-физик хоссалари, тоннелнинг жойлашиш параметрлари таъсирини ҳисоблашнинг математик моделини чекли элементлар усули ёрдамида ишлаб чиқиш;

тоннелдан ихтиёрий узокликда жойлашган грунт нуқталарида ҳосил бўладиган вибрация даражасини аниқ ва тез баҳолай олиш имкониятини яратиш;

параллел тоннелларда поезд ҳаракатланганда ҳосил бўладиган вибрацияни тарқалишини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

чексиз соҳадан ажратиб олинган чекли соҳада чекли элементлар усули билан ечиш учун қўйиладиган ўтказувчи чегаравий шартлар коэффицентлари соҳа материалига боғлиқ эканлигини ҳисоблаш методини ишлаб чиқиш;

метрополитен поездлари ҳаракатидан ер сатҳида ҳосил бўладиган вибрацияларни камайтиришга қаратилган вибротўсиқлардан бири бўлган траншеянинг самарадорлигини ўрганиш бўйича назарий тадқиқотлар олиб бориш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида айлана кесимли метрополитен тоннели ва уни ўраб турган грунт массиви олинган.

Тадқиқотнинг предмети метрпоездларнинг динамик юки таъсирида ҳосил бўладиган вибрацияларни структураси бир жинсли бўлмаган грунт муҳитида тарқалиш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида деформацияланувчан каттиқ жисм механикаси, грунтлар ва қурилиш механикаси, чекли элементлар усули орқали эса математик моделлаштириш, математик физика ва чизикли алгебра усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир жинсли бўлмаган муҳитда жойлашган айлана кесимли

метрополитен тоннелларида ҳосил бўладиган вибрациянинг тарқалиш даражасига грунтнинг механик-физик хоссалари, тоннелнинг жойлашиш параметрлари таъсирини ҳисоблашнинг математик моделини чекли элементлар усули ёрдамида ишлаб чиқилган;

масалани чексиз соҳадан ажратиб олинган чекли соҳада чекли элементлар усули билан ечиш учун қўйиладиган ўтказувчи чегаравий шартлар коэффициентлари соҳа материалига боғлиқ эканлигини ҳисоблаш методи ишлаб чиқилган;

тоннелдан ихтиёрий узоқликда жойлашган грунт нуқталарида ҳосил бўладиган вибрация даражасини аниқ ва тез баҳолай олиш имконини берувчи дастур яратилган;

метрополитен тоннелларидан тарқалувчи вибрация даражасини пасайтириш учун траншеянинг самарадорлиги унинг геометрик параметрлари, яъни чуқурлиги, кенлиги ҳамда ён деворлари турли бурчак остида бўлган очик траншеялар (45° ва 60°) ён деворлари вертикал бўлган, яъни 90° бўлган вибротўсиқларга нисбатан самарадорлиги юқори эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

параллел тоннелларда поездлар бир вақтда ҳаракатланган ҳол билан якка тоннелда поезд ҳаракатланган ҳоллардаги ер сатҳида ҳосил бўлган вибрация даражалари солиштирилганда тоннел тепасида параллел тоннел бўлган ҳол учун ер сатҳи нуқталари амплитудалари 1,5-5 баробар катталиги аниқланган;

очик траншея кўринишидаги тўлқин қайтарувчи қурилмани қўлланилганда метрополитен тоннелларида поезд ҳаракатидан ҳосил бўладиган вибрацияни сўниши траншеясиз ҳолатга нисбатан 20-50 фоиз самаралироқ эканлиги аниқланган;

темир йўл ва автомобиль транспортлари ҳаракатидан, бинолар конструкцияларида ҳосил бўладиган вибрация даражасини аниқлашнинг ЭХМ ёрдамида сонли ҳисоблаш усулининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масаланинг математик нуқтаи назардан қатъий қўйилганлиги, қўплаб тадқиқотлар орқали динамик масалаларни ечишда аниқ натижалар бериши исботланган ҳисоблаш методларидан фойдаланилганлиги, тест масалаларнинг натижалари аналитик ечим қийматлари билан мос тушиши диссертацияда ишлаб чиқилган усул орқали маълум масалани ечиб, Д.Д.Баркан тамонидан ўтказилган тажриба натижалари билан солиштирилганлиги ва ижобий натижаларга эришилганлиги диссертация натижалари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти метрополитен линиялари атрофидаги грунтда, бино ва иншоотлар конструкцияларида ҳосил бўладиган динамик жараёнларнинг ўрганиб, тебранишларни камайтиришда виброҳимоя тўсиқларни қўллаш самарадорлигини назарий тадқиқот натижалари билан

асосланганлиги, метрополитен поездлари ҳаракатидан ҳосил бўлган тебранишларни сўндириш усулларини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти ишлаб чиқилган сонли ҳисоблаш усуллари ва дастурлари турли хил физик ва геометрик параметрларини ҳисобга олган ҳолда иншоотларни динамик ҳисоблашда ишлатилиши мумкинлиги ҳамда аҳоли турмуш даражасини сифат кўрсаткичи сақланиб қолинишига эришилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Метрополитеннинг айлана кесимли тоннелларида поезд ҳаракатидан ҳосил бўлган тўлқинларнинг бир жинсли бўлмаган эластик муҳитда тарқалиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

айлана кесимли тоннелларда поезд ҳаракатидан ҳосил бўладиган вибрация даражасини аниқлаш ва грунт қатламларини ҳисобга олиш имконини берадиган, такомиллаштирилган ҳисоблаш методикаси «Кўқон минтақавий темир йўл узели» АЖда қурилиш объектини лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Транспорт вазирлигининг 2021 йил 17 июлдаги 4/4669-5682-сон маълумотномаси). Натижада, ён деворлари турли бурчак остида бўлган очик траншеялар (45° ва 60°) ён деворлари вертикал, яъни 90° бўлган вибротўсиқларга нисбатан 29%-67% самарадорлиги юқори бўлишига эришилган;

метрополитен тоннелларида поезд ҳаракатидан ҳосил бўладиган тебранишларни грунтда тарқалишини аниқлаш методикаси Тошкент «Боштранслоиҳа» АЖ корхонасида «Тошкент метрополитени Сергели йўналиши» қурилиш объектини лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Транспорт вазирлигининг 2021 йил 17 июлдаги 4/4669-5682-сон маълумотномаси). Натижада, тўғри тўртбурчак кесимли тоннелларда поездлар ҳаракатидан ҳосил бўлган вибрация даражаси тебраниш частотасига боғлиқ равишда айлана кесимли тоннелларга нисбатан 30% дан 110% гача кам бўлишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 8 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Метрополитен темир йўл поездаи ҳаракатидан ҳосил бўладиган тўлқинларнинг грунтда тарқалиши масаласи ва ўтказувчи чегаравий шартлар коэффицентларини аниқлаш**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот мақсади ва вазифалари, ҳаракатланувчи юклар таъсирида ҳосил бўладиган вибрацияларни грунтда тарқалиш жараёнига доир, яъни транспорт воситалари ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган вибрацияларнинг тарқалиши, уларнинг бино-иншоот ва инсонларга таъсири бўйича маҳаллий ва хорижда олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Тадқиқ этилаётган масаланинг математик қўйилиши, масалани дифференциал ва вариацион қўйилишларининг эквивалентлиги, масалани ечиш алгоритми ва дастури ҳақида сўз юритилган.

Ўтказувчи чегаравий шартлар коэффицентлари муҳитнинг физик-механик хусусиятларига боғлиқ эканлиги исботланган.

Тадқиқотлар a ва b коэффицентлар частотага ва тебраниш тарқалаётган муҳитнинг физик-механик хусусиятларига боғлиқлигини кўрсатади. Мисол учун бу коэффицентларнинг $a=b=0.5$, $a=b=0.7$ ва $a=b=1$ икки қиймати танланди. Қуйидаги расмларда кўрсатилган графикларда ажратиб олинган соҳанинг эркин юзасида характерли нукталарнинг кўчишининг ўзгариши келтирилган.



1-расм. Коэффицент қийматлари $a=b=1$ бўлганда вертикал тўлқинларни абсолют қийматларини эркин чегара нукталарида ўзгариши


Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, юқори частоталарда чегарадаги қийматлар амплитудалари орасидаги пропорционаллик сақланади, паст частоталарда бу тенденция кузатилмайди, бу эса a ва b қийматларни ўрганиш учун қўшимча тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

«Метрополитен поездлари ҳаракатидан ҳосил бўладиган вибрацияларнинг тарқалишини тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобида бир йўлли тоннелларда поезд ҳаракатидан ҳосил бўладиган вибрацияларни грунтда тарқалиши ўрганилган. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, тебраниш амплитудаси тоннел симметрия ўқидан грунт эркин юзасида унинг узунлиги бўйлаб барча частоталарда монотон бўлмаган ҳолда сўнади.

Айлана ва тўғри тўртбурчак кесимли метрополитен тоннелларида поезд ҳаракатидан ҳосил бўладиган вибрацияларни грунтда тарқалиши тадқиқ этилди ва олинган сонли натижалар таҳлил этилди.

Метрополитен тоннелларида поезд ҳаракатидан грунтнинг эркин юзаси бўйлаб тебраниш амплитудаларининг ўзгариши ўрганилди. Бу жараён тоннелнинг жойлашиш чуқурлиги, тоннелнинг кўндаланг кесим шакли, грунтнинг қатламларига ва улардаги грунтнинг физик-механик хусусиятларига боғлиқлиги кўриб чиқилди. Назарий тадқиқотда олинган сонли натижалар таҳлил этилди.

Айлана кесимли тоннелларда поездлар ҳаракатидан ҳосил бўлган вибрациянинг грунтда тарқалиши ҳақидаги масалани чекли элементлар усули билан ечиш дастури тузилди. Олинган натижалар тўғри тўртбурчак шаклидаги тоннел бўлган ҳол билан солиштирилди.



2-расм. Ярим текисликнинг эркин чегарасида тебраниш амплитудасининг ўзгариши

Айлана кесимли тоннелларда поездлар ҳаракатидан ҳосил бўлган вибрация даражаси тебраниш частотасига боғлиқ равишда тўғи тўртбурчак бўлган ҳолга нисбатан 30% дан 110% гача катта бўлиши аниқланди.

Бир йўлли тоннелларда поезд ҳаракатидан ҳосил бўлган вибрация даражасининг тоннел жойлашиш чуқурлигига боғлиқлиги ўрганилган. Тоннел жойлашиш чуқурлиги ортиб бориши билан ер устидаги тупроқнинг тебраниш амплитудалари камайиши аниқланган. Таъсир қилувчи кучнинг резонансга яқин частоталарида бу қонуниятнинг бироз бузилиши кузатилган.

Метрополитен тоннеллари жойлашган грунт қатламлардан иборат бўлган ҳол учун вибрациянинг тарқалиш даражаси ўрганилган. Қатламларнинг физик-механик хусусиятлари ер устидаги грунт нуқталарининг тебраниш даражасига узвий боғлиқлиги аниқланган. Қатламли грунт эркин сатҳи тебраниш амплитудалари бир жинслига нисбатан катта бўлиши исботланган. Шу билан бирга қатламли грунт юзасидаги нуқталарнинг амплитудалар ўрамаси бир жислига нисбатан анча монотон эканлиги ва тезроқ сўниши кузатилган.

Параллел тоннелларда поездлар бир вақтда ҳаракатланган ҳол билан якка тоннелда поезд ҳаракатланган ҳоллардаги ер сатҳида ҳосил бўлган вибрация даражалари солиштирилганда тоннел тепасида параллел тоннел бўлган ҳол учун ер сатҳи нуқталари амплитудалари 1,5-5 баробар катталиги, тоннел симметрия ўқидан узоқлашган сари бу фарқ камайиб бориши аниқланди.


«Грунтда жойлаштирилган турли виброҳимоя системаларнинг самарадорлигини таҳлили» деб номланган диссертациянинг учинчи бобида ҳаракатланувчи юklar таъсирида грунт сатҳида ҳосил бўладиган вибрацияларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида сўз юритилган.

Метрополитеннинг симметрия ўқи ва траншея оралиғидаги масофани метрополитенда поезд ҳаракатидан ҳосил бўладиган вибрацияларни грунтда тарқалишига таъсири дастурдан олинган сонли натижаларни таҳлил этиш орқали ўрганилди.

Куйида берилган графикларда траншея бўлмаган ва уч хил масофада қўйилган траншеяларнинг вибрацияни сўндириш кўрсаткичлари ўрганилган. Қийматларни таққослаш мақсадида графикда узлуксиз чизик орқали траншеясиз ҳолат, пунктир чизик орқали эса траншея қўйилган ҳолатдаги грунт юзасида амплитуда модулини ўзгариши кўрсатилган. Графикларни таҳлил этганда шуни кузатиш мумкинки, траншея қайси масофага қўйилишидан қатъий назар, траншеядан олдин тўлқинларни вибротўсиқ ҳисобига аксланиши рўй беришини кўриш мумкин.

Траншея 8 м масофага қўйилганда бу қийматлар нисбати қуйидагини ташкил этди:

$f=20$ Гц кинематик юк частотасида метрополитеннинг симметрия ўқидан 10 м масофада – 39%, 20 м – 37%, 30 м – 51%, 40 м – 28% камайишини кўриш мумкин.




3-расм. Тоннел симметрия ўқидан 8 м масофада қўйилган траншея ва траншея қўйилмаган ҳолатда грунт эркин чегарасида амплитуда модулининг ўзгариш графиги

$f=30$ Гц кинематик юк частотасида метрополитеннинг симметрия ўқидан 10 м масофада – 28%, 20 м – 43%, 30 м – 35%, 40 м – 16%;

$f=40$ Гц кинематик юк частотасида метрополитеннинг симметрия ўқидан 10 м масофада – 23%, 20 м – 10%, 30 м – 34%, 40 м – 28%;

$f=50$ Гц кинематик юк частотасида метрополитеннинг симметрия ўқидан 10 м масофада – 44%, 20 м – 15%, 30 м – 40 м масофада 5% камайишини кузатиш мумкин.



4-расм. Тоннел симметрия ўқидан 10 м масофада қўйилган траншея ва траншея қўйилмаган ҳолатда грунт эркин чегарасида амплитуда модулининг ўзгариш графиги


Траншея 10 м масофага қўйилганда бу қийматлар нисбати қуйидагини ташкил этди:

$f=20$ Гц кинематик юк частотасида метрополитеннинг симметрия ўқидан 10 м масофада траншеяда тўлқиннинг аксланиш ҳисобига қиймат 11% га

ортади, 20 м – 11%, 30 м -11% га камайди, 40 м масофада аксинча бу қийматлар нисбати 10% ортишини кузатиш мумкин.

$f=40$ Гц кинематик юк частотасида метрополитеннинг симметрия ўқидан 10 м масофада траншеяда тўлқиннинг аксланиш ҳисобига қиймат 55% га ортади, 20 м – 28%, 30 м – 57%, 40 м – 32% камайди.

$f=50$ Гц кинематик юк частотасида метрополитеннинг симметрия ўқидан 10 м масофада траншеяда тўлқиннинг аксланиш ҳисобига қиймат 9% га ортади, 20 м – 31%, 30 м – 15%, 40 м – 15% пасайишини кузатиш мумкин.



5-расм. Тоннел симметрия ўқидан 12 м масофада қўйилган траншея ва траншея қўйилмаган халатда грунт эркин чегарасида амплитуда модулининг ўзгариш графиги

Траншея 12 м масофага қўйилганда бу қийматлар нисбати қуйидагини ташкил этди:

$f=20$ Гц кинематик юк частотасида метрополитеннинг симметрия ўқидан 10 м масофада траншеяда тўлқиннинг аксланиш ҳисобига қиймат 2 баробар ортади, 20 м – 33%, 30 м – 21%, 40 м масофада бу қийматлар нисбати 10% ортишини кузатиш мумкин.

$f=30$ Гц кинематик юк частотасида метрополитеннинг симметрия ўқидан 10 м ва 20 м масофада қийматлар деярли бир хил бўлади, 30 м – 10%, 40 м – 40%;


$f=40$ Гц кинематик юк частотасида метрополитеннинг симметрия ўқидан 10 м масофада – 17%, 20 м – 53%, 30 м – 79%, 40 м – 35% камайди.

$f=50$ Гц кинематик юк частотасида метрополитеннинг симметрия ўқидан 10 м масофада – 39%, 20 м – 40%, 30 м – 26%, 40 м – 22% камайди.


Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, траншеянинг жойлашиш ўрни, яъни манбаадан траншеягача бўлган масофа ҳам вибрацияни сўндириш кўрсаткичига ўз таъсирини кўрсатар экан. Унча чуқурликда бўлмаган метрополитен тоннелларида поезд ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган вибрацияларни камайтиришда траншея катта устиворликка эга. Бироқ узок вақт давомида ўзининг устивор геометрик шаклини сақлай олмаслиги унинг камчилиги ҳисобланади.

Траншеянинг чуқурлиги вибрацияни тарқалишига таъсири ҳам кўриб чиқилди. Бу тадқиқотда траншеянинг 3 хил чуқурлик масофаси: 6 м, 8 м ва 10 м бўлган ҳолатда вибрацияни камайтириш самарадорлиги кўриб чиқилди. Бу масала ҳам чекли элементлар усулида ечилган бўлиб, математик қўйилиши ва ечилиш алгоритми юқорида қайд этилган тартибда амалга оширилган. Бу тадқиқотда ҳар учала ҳолда ҳам траншеянинг кенглиги 1 м деб қабул қилинган (6 - расм).


Траншеяларни ҳисобга олган ҳолда дастурдан олинган натижалар куйидаги графикларда ўз аксини топган. Графикда узлуксиз чизиқ орқали траншеясиз ҳолат, пунктир чизиқ орқали эса турли чуқурликларда қўйилган траншеялар орқали тебраниш амплитудаси модулини грунтнинг эркин юзасида ўзгариши кўрсатилган.




6-расм. Масалани ҳисоблаш схемаси



7-расм. $f=15$ Гц кинематик юк частотасида траншея чуқурлиги $h=6$ м бўлганда тебраниш амплитуда модулини грунт эркин юзасида ўзгариш графиги



8-расм. $f=15$ Гц кинематик юк частотасида траншея чуқурлиги $h=8$ м бўлганда тебраниш амплитуда модулини грунт эркин юзасида ўзгариш графиги




9-расм. $f=15$ Гц кинематик юк частотасида траншея чуқурлиги $h=10$ м бўлганда тебраниш амплитуда модулини грунт эркин юзасида ўзгариш графиги

Кейинги тадқиқотда амалиётга яқин лойиҳалар таклиф этилиб, уларнинг самарадорлиги ўрганилган.


Виброҳимоя сифатида қўлланиладиган очиқ траншеяларнинг анъанавий кўриниши барча адабиётларда тўғри тўртбурчак шаклида, яъни ён деворлари 90° бурчак остида бўлган кўриниши таклиф этилган. Бу траншеяларнинг асосий камчилиги узок вақт қўлланилганда устиворлигини, яъни ён деворлари ўз ҳолатини сақлай олмаслигидир. Бундан ташқари бундай тўсиқларни ҳосил қилиш ҳам анча қийинчилик туғдиради. Шу сабабли ушбу тадқиқотда траншеянинг ноанъанавий турлари ўрганилди ва уларнинг грунт юзасида тарқаётган вибрацияни камайтириш бўйича самарадорлиги ўрганилди. Бу тадқиқотда анъанавий ён деворлари 90° бўлган траншея кўрсаткичлари, ён деворлари 45° ва 60° бўлган вибротўсиқлар натижалари билан солиштирилди. Бу учта масалада траншея метрополитен симметрия ўқидан 8 метр масофада жойлашган, унинг чуқурлиги 7 метрни

ташқил этади. Бу масалаларга ҳам аввалги тадқиқотда бажарилгани каби ҳисоблаш схемасини тузиб оламиз.




10-расм. Ён деворлари турли бурчак остида бўлган траншеяларнинг ҳисоблаш схемалари


Графикда узлуксиз чизиқ орқали траншея қўлланилмаган ҳолатда олинган натижалар графиги кўрсатилган бўлса, пунктир чизиқ орқали эса траншеялар қўлланилганда дастурдан олинган натижалар графиги келтирилган.



11-расм. $f=40$ Гц частотада ён деворлари 45° траншея орқали грунт юзасида тебраниш амплитудаларини ўзгариши



12-расм. $f=40$ Гц частотада ён деворлари 60° траншея орқали грунт юзасида тебраниш амплитудаларини ўзгариши



13-расм. $f=40$ Гц частотада ён деворлари 90° траншея орқали грунт юзасида тебраниш амплитудаларини ўзгариши

Дастурдан олинган сонли натижалар асосида траншеяларнинг самарадорлиги таҳлил этилди.

Инсон капитали давлатнинг энг катта бойлигидир. Инсоннинг меҳнат қобилиятига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бу – вибрациядир. Инсонларни вибрация ва шовқинга бўлган муносабати вибрациянинг фаоллиги, миқдори ва частотасига боғлиқ бўлади. Поездларнинг узунлиги ва тезлик кўрсаткичлари катта бўлса, бу натижалар бундан ҳам юқори бўлади. Агар вибрация даражаси юқори бўлса, инсон ўзини ноқулай ҳис қилиши табиий ҳолдир.

Бинологларни ер ости ва усти темир йўл иншоотлари атрофида лойиҳаланганда ҳисоблашлар натижалари кўрсатадики, тебранишларнинг доимий таъсирлари натижасида мукамал таъмирлашгача бўлган меъёрий

хужжатларда келтирилган муддат 7 йилга тушиб қолди. Виброхимоя тадбирларини қўллаш натижасида биноларнинг мукамал таъмирлаш муддатининг узоқлашиши аниқланган. 3 қаватли мактаб биносининг қурилиш ҳажми 7776 м³ ни, смета нархи 1 836 965 850 сўм, 1 м³ ни таъмирлаш нархи 236235,32 сўмни ташкил қилади. Виброхимоя тадбирларидан бири бўлган очик траншеядан фойдаланилса, бу кўрсаткични ҳисоблашлар асосида 13 йилгача узайтириш имконини беради. Биргина шу бинонинг ўзида виброхимоянинг иқтисодий самараси капитал таъмирлаш муддатини узайтириш ҳисобига йилига 262 млн. сўмдан, 6 йилда 1,572 млрд сўмни ташкил қилади. Бу қийматдан диссертацияда келтирилганди жадвалдаги 100 м узунликдаги траншеяни ҳосил қилиш учун аниқланган суммани айириб юборсак, 1 млрд сўм тежамкорликка эришиш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Метрополитеннинг айлана кесимли тоннелларида поездлар ҳаракати натижасида ҳосил бўлган вибрация тўлқинларининг атрофдаги бир жинсли бўлмаган муҳитда тарқалиш жараёнини тоннеллар ва муҳитнинг турли хил физик-механик хусусиятлари, геометрик ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ҳамда бу зарарли тўлқинлар даражасини турли хил кўндаланг кесимли траншеялар ёрдамида пасайтириш усуллари ишлаб чиқилди.

2. Математик нуқтаи назардан масаланинг дифференциал ва вариацион қўйилиши амалга оширилган. Масалани дифференциал ва вариацион қўйилиши эквивалент эканлиги исботланган. Натижада масалани ечиш учун вариацион усуллардан бири бўлган чекли элементлар усулини қўллаш мумкинлиги исботланди.

3. Масалани чексиз соҳадан ажратиб олинган чекли соҳада чекли элементлар усули билан ечиш учун қўйиладиган ўтказувчи чегаравий шартлар коэффицентлари соҳа материалига боғлиқ эканлиги исботланган.

4. Айлана кесимли тоннелларда поездлар ҳаракатидан ҳосил бўлган вибрациянинг грунтда тарқалиши ҳақидаги масалани ЧЭУ билан ечиш дастури тузилди. Олинган натижалар тўғри тўртбурчак шаклидаги тоннел бўлган ҳол билан солиштирилди. Айлана кесимли тоннелларда поездлар ҳаракатидан ҳосил бўлган вибрация даражаси тебраниш частотасига боғлиқ равишда тўғри тўртбурчак бўлган ҳолга нисбатан 30% дан 110% гача катта бўлиши аниқланди.

5. Бир йўлли тоннелларда поезд ҳаракатидан ҳосил бўлган вибрация даражасининг тоннел жойлашиш чуқурлигига боғлиқлиги ўрганилган. Тоннел жойлашиш чуқурлиги ортиб бориши билан ер устидаги тупроқнинг тебраниш амплитудалари камайиши аниқланган. Таъсир қилувчи кучнинг резонансга яқин частоталарида бу қонуниятнинг биров бузилиши кузатилган.

6. Метрополитен тоннеллари жойлашган грунт қатламлардан иборат бўлган ҳол учун вибрациянинг тарқалиш даражаси ўрганилган. Қатламларнинг физик-механик хусусиятлари ер устидаги грунт нуқталарининг тебраниш даражасига узвий боғлиқлиги аниқланган.

Қатламли грунт эркин сатҳи тебраниш амплитудалари бир жинслига нисбатан катта бўлиши исботланган. Шу билан бирга қатламли грунт юзасидаги нуқталарнинг амплитудалар ўрамаси бир жинслигига нисбатан анча монотон эканлиги ва тезроқ сўниши кузатилган.

7. Параллел тоннелларда поездлар бир вақтда ҳаракатланган ҳол билан якка тоннелда поезд ҳаракатланган ҳоллардаги ер сатҳида ҳосил бўлган вибрация даражалари солиштирилганда тоннел тепасида параллел тоннел бўлган ҳол учун ер сатҳи нуқталари амплитудалари 1,5-5 баробар катталиги, тоннел симметрия ўқидан узоқлашган сари бу фарқ камайиб бориши аниқланди.

8. Метрополитен тоннелларида поезд ҳаракатидан ҳосил бўладиган вибрацияларни камайтириш бўйича назарий тадқиқотлар олиб борилди. Чекли элементлар усулидан фойдаланилган ҳолда масаланинг ҳисоб схемаси, масалани ечиш алгоритми ва дастури тузилди. Очиқ траншеялар қўлланилганда вибрацияни сўниши траншеясиз ҳолатга нисбатан 20-50% самаралироқ эканлиги аниқланди. Очиқ траншеянинг самарадорлиги унинг геометрик параметрларига боғлиқлиги ўрганилди ва қуйидаги хулосаларга келинди:

вибрацияларни камайтиришда очиқ траншеяни қўллаш яхши самара беради;

тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, очиқ траншея ичи тўлдирилган траншеяга нисбатан самарадорлиги юқори;

траншеянинг чуқурлиги ортиши билан унинг вибрацияни сўндириш кўрсаткичи ҳам ортиб боради;

вибротўсиқнинг кенглигини ортиши унинг самарадорлигини ортишига хизмат қилмайди. Шу сабабли ҳар бир объектнинг хусусий ҳолатидан келиб чиқиб, оптимал, техник-иқтисодий асосланган траншеянинг геометрик параметрларини танлаш лозим;

очиқ траншея билан метрополитен симметрия ўқи орасидаги масофани ортиши натижасида унинг самарадорлиги камаяди;

ён деворлари турли бурчак остида бўлган очиқ траншеялар (45° ва 60°) ён деворлари вертикал бўлган, яъни 90° бўлган вибротўсиқларга нисбатан самарадорлиги юқори эканлиги аниқланди.

9. Виброҳимоя тадбирларидан бири бўлган очиқ траншеядан фойдаланилса, ҳисоблашлар бинонинг таъмирлаш муддати 13 йилга узайтириш имконини беради. Биргина шу бинонинг ўзида виброҳимоянинг иқтисодий самараси капитал таъмирлаш муддатини узайтириш ҳисобига 1 млрд сўмни тежаш натижасида иқтисодий самара бериши ҳисоб-китобларга кўра аниқланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ОРГАНИЗОВАННЫЙ НА ОСНОВЕ
НАУЧНОГО СОВЕТА PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

КАРАБАЕВА МУНИРА УСМАНОВНА

**РАСПРОСТРАНЕНИЕ ВОЛН, ВОЗНИКАЮЩИХ ПРИ ДВИЖЕНИИ ПОЕЗДОВ
МЕТРОПОЛИТЕНА В ТОННЕЛЯХ КРУГОВОГО СЕЧЕНИЯ В НЕОДНОРОДНОЙ
УПРУГОЙ СРЕДЕ**

**05.09.02 – Оснавания, фунтдаменты и подземные сооружения. Мосты и
транспортные тоннели. Дороги, метрополитены**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Наманган – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.4.PhD/Т2006.

Докторская диссертация выполнена в Наманганском инженерно – строительном институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: e-mail: www.nammqi_info@edu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Юлдашев Шарафитдин Сайфитдинович**
Доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Джаббаров Саидбурхон Тулаганович**
Доктор технических наук, профессор
Тошхўжаев Алишер Улхўжаевич
Доктор философии по техническим наукам (PhD)

Ведущая организация: **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «5» 03 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Разового Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 2020 при Наманганском инженерно-строительном институте (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (99869) 234-15-23, e-mail: www.nammqi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-строительного института (регистрационный номер 18782 Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23.

Автореферат диссертации разослан «17» 02 2022 года.
(Протокол рассылки № 1 «18» 342 2022 года).



Н.Г.Байбобоев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

В.М.Турдалиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.А.Ишанходжаев
Председатель научного семинара при совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире при проектировании современных городов невозможно не учитывать развитие всех видов грузовых транспортных коммуникаций: автомобилей, трамваев, системы метрополитена, расположенные на разной глубине и других средств. Последующие 10 лет по всему миру запланировано строительство 37 станций и линий метрополитена. Тип и мощность транспортных средств существенно влияют на рельеф и географию города, историю развития, количество населения, на социально-экономическое развитие территории. В настоящее время, с увеличением веса и скорости грузов перевозочных средств, уделяется большое внимание исследованию негативного воздействия на людей, здания и сооружения вибраций, возникающих от их движения.

В последние годы в мире вопрос защиты населения, зданий и сооружений от вибраций, вызываемых движением поездов метрополитена, в результате проектирования и ввода в эксплуатацию неглубоких тоннелей метрополитена, перерос в актуальную проблему. Для решения этой проблемы в США, Великобритании, России, Германии, Индии, Китае и других развитых странах появилось целое направление науки, направленное на защиту зданий и сооружений от техногенных воздействий, в первую очередь от вибраций, создаваемых транспортными средствами. В частности, необходимо усовершенствовать эффективных методов снижения уровня колебаний, разработано технологий снижения уровня вибрации, воздействующей на людей, здания и сооружения.

В нашей республике предпринимается комплексные меры и достигаются определенных результатов по защите от вибрации возникающих в тоннелях метрополитена и разрабатываются методы по снижению уровни вибрации. В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах намечены задачи «предотвращение экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды, здоровью и генофонду населения». Реализация данных задач, то есть разработка эффективных решений по снижению вибраций, вызываемых движением поездов метрополитенов под землей имеет важное значение.

Исследования настоящей диссертации в определённой степени способствуют реализации задач, намеченных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП №2664 «О мерах по реализации проекта “Строительство Сергелийской линии Ташкентского метрополитена” от 29 ноября 2016 года, ПП №2638 «О мерах по дальнейшему развитию и повышению эффективности деятельности Ташкентского метрополитена» от 21 октября 2016 года, ПП №3190 «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения и территории республики Узбекистан» от 9 августа 2017 года, Постановлении Кабинета Министров за №71 «Государственная программа по прогнозированию и

предупреждению чрезвычайных ситуаций» от 3 апреля 2007 года, а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проведено в соответствии с приоритетными направлениями IV. «Математика, механика, сейсמודинамика сооружений и информатика» и XIV. «Сейсмология, сейсмобезопасность зданий и сооружений и строительство», развития науки и технологий республики.

